

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

Юксак эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодаси

Тошкентда «Айтишув — 2011» халқаро оқинлар айтишуви бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги бағишлаб «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтган «Айтишув — 2011» халқаро оқинлар айтишувида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ва Козогистон ўртасидаги узаро иқтисодий-сиёсий, илмий-маърифий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

бунинг амалдаги ёрқин далилидир. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллият ва элатларнинг ўзига хос аёнана ва маданиятининг гуллаб-яшнашида Республика Байналмилал маданият марказининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — дейди мўғулистонлик Орал Қометия. — Бугунги глобаллашув шароитида турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшаш, таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз аёнана ва маданияти, урф-одатларини ривожлантириши учун давлат томонидан барча зарур шароитларнинг яратилгани менда катта ҳавас уйғотди.

— Мен кўнгина халқаро оқинларнинг айтишувида иштирок этганман, — дейди қозогистонлик оқин Карима Ҳоролова. — Тошкентда ўтказилган санъат байрамида ўтирган тўрт мингдан ортиқ томошабиннинг олқиши ва гулдўрс қарсақлари мени қаттиқ ҳаяжонга солди.

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — дейди мўғулистонлик Орал Қометия. — Бугунги глобаллашув шароитида турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшаш, таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз аёнана ва маданияти, урф-одатларини ривожлантириши учун давлат томонидан барча зарур шароитларнинг яратилгани менда катта ҳавас уйғотди.

— Мен кўнгина халқаро оқинларнинг айтишувида иштирок этганман, — дейди қозогистонлик оқин Карима Ҳоролова. — Тошкентда ўтказилган санъат байрамида ўтирган тўрт мингдан ортиқ томошабиннинг олқиши ва гулдўрс қарсақлари мени қаттиқ ҳаяжонга солди.

Спорт

Касбида хотира турнири

Касби туманида кураш бўйича Намоз Сариков ҳамда Мусо Каромовлар хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди.

— Эл-юрт учун ҳалол хизмат қилган табарруқ инсонлар хотираси қилбимизда абадий сақланади, — дейди воҳа оқсоқолларидан бири Тоштемур Ҳожо Аминов.

бири бўлиб узок йиллар тер тўккан ҳамшаҳаримизнинг воҳа меҳнатқашлари ҳаётига оид туркум мақолаларини биз зўр қизиқиш билан кутардик.

Ўзбекистон кубоги: Дастлабки учрашувлар



Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги 1/8 финал босқичининг дастлабки учрашувлари ўтказилди.

Мухлислар иккита қутилмаган натижага гувоҳ бўлишди. Жумладан, биринчи лига вакили «Имкон» (Олтиариқ) футболчилари ўз майдонига Самарқанд динамочиларини енги — 1:0. Муборақда эса «Машъал» жамоаси Тошкентнинг «Локомотив» аъзоларини катта қийинчилик билан мағлубиятга учратди — 2:1.

Халқаро форум

Сифатли маҳсулотлар — иқтисодиётимиз таянчи



Ушбу халқаро тадбир маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилот ва корхоналар маҳсулотлари сифати юқори рақобатбардошликка эришиши йўлида катта туртки бўлади.

Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, сифат менежерлари ва аудиторлари халқаро ассоциацияси ҳамда Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида сифат менежерларининг «TQM UZ — 2011» тўртинчи халқаро форуми бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги вазирлик, кўмита ва идоралардан масъул ходимлар, холдинг компаниялар ҳамда саноат уюшмалари, корхона, ташкилотлар ҳамда йирик компанияларнинг сифат бўйича менежерлари, кичик бизнес вакиллари, Хиндистон, Янги Зеландия, ЖАР, Тайвань, Германия ҳамда Россия сингари давлатларнинг сифат менежерлари соҳасидаги олим ва экспертлари иштирок этишди.

Шунингдек, халқаро форум доирасида иштирокчилар юртимизда бу борада олиб борилган ишлар билан танишиш баробарида, илғор тажрибаларни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ISO халқаро стандартлар талаблари даражасида фаолият юритиш масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Тиббиёт

Ультра диагностика маркази ишга тушди

300 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Денов туманида 35 та қишлоқ врачлик пункти, 5 та поликлиника, 10 та шифохона элимизга хизмат кўрсатаётир.



Улар тиббий анжомлар, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан тўлқин таъминланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллинини дастлабки чорағида «Ультра диагностика маркази» фойдаланишга топширилди.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси

қурилиши режалаштирилган куйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

қайтадан танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Table with 4 columns: №, Объект номи ва манзили, Бюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, ҚҚСсиз, Қурилиш муддати

Талабгор сифатида иштирок этётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдосида предмет қиймати 20 фойизи миқдоридида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқа-

ролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатлари мувофиқ импорт қиловчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари катнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси

қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг олқиши мuddати — оферталар очилиш кuni ва сотатигача. Тақлифлар (оферталар) очилиш мuddатида эълон чоп этилгандан бошлаб камидан 15 кундан кейин куйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Бюртмачи: 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси. Манзили: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 62-уй, телефон: (8366) 234-37-13.

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

БУХОРО НЕФТНИ

ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

9 май

— Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари,
меҳнат фахрийларини кутлайди.



**Ватанимиз осмони доимо мўсаффо,
юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!**

MUASSIS:


O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afhor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad
RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ilmiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 549
18568
nuxxada
bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'ZA yakuni — 19.45
Topshirilgan vaqti — 21.05

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
**Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5